

## ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА БҮЛГАН ҚОБИЛИЯТИНИ АНИҚЛАШ

**Исройлов Қуёшбек Жахонгир ўғли**

Андижон давлат университети жисмоний маданият факультети жисмоний  
маданият йўналиши

### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақоламиизда ўсиб келаётган ёш баркамол авлодни жисмоний тарбияга бўлган қобилияtlарини ўз вақтида аниқлаш ва болаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усулларини, болаларнинг жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўниммаларини шакллантиришнинг, спортга қобилиятли болаларни ихтисослаштирилган спорт таълим муассасаларида ўқитиш учун танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқилиб ҳамда жорий этишга кўмаклашиш масалалари ёритилган

#### **Калит сўзлар:**

**Диагностика :** юононча сўз бўлиб (аниқлашга қодир) маносини англаатади.

Касаллик ёки маҳсус физиологик шароитларни аниқлаш жараёнининг мазмуни, усуллари ва кетма-кет босқичларини ўрганадиган клиник тиббиёт бўлими.

**Қобилият :** инсоннинг у ёки бу фаолиятини амалга оширишда жуда катта аҳамиятга эга бўладиган шахс хусусияти ҳисобланади.

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье нами разработаны научно обоснованные системы своевременного выявления у подрастающего поколения физического воспитания, формирования у детей спортивных навыков в зависимости от пола и возраста, отбора одаренных детей для занятий профильными видами спорта, учебных заведений освещаются вопросы содействия внедрению.

**Ключевые слова :**

**Диагноз :** греческое слова, означающее ( способность обнаруживать).

Кафедра клинической медицины, изучающая содержание, методы и последовательность этапов процесса диагностики заболевания или конкретного физиологического состояния

**Способность:** черты личности, играющая очень важную роль в выполнении той или иной деятельности.

**ANNOTATION**

In this article we have developed scientifically based systems for timely identification of physical culture and modern forms and methods of physical education, the formation of children's sports skills depending on gender and age, the selection of gifted children for training in specialized sports educational institutions. Issues of promoting implementation are covered.

**Keywords:**

**Diagnosis:** A Greek word meaning (able to detect). Department of Clinical Medicine, which studies the content, methods, and sequence stages of the process of diagnosing a disease or specific physiological condition.

**Ability:** is a personality trait that plays a very important role in the performance of this or that activity.

Юртимизда болаларга спортга муҳаббатни сингидириш, ўсиб келаётган ёш авлодда спорт билан шуғуланиш, соғлом турумуш тарзини олиб бориш, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш муҳимлиги тушунчасини шакллантириш, болаларни салбий таъсирларидан химоя қилишга ва заарли одаталардан холос этишга доир чора тадбирлар мажмуи амалга оширилиб келинмоқда. Болаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усууларини, болаларнинг жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини шакллантиришнинг, спортга қобилиятли болаларни ихтисослаштирилган спорт

таълим муассасаларида ўқитиш учун танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқилиб ҳамда жорий этишга кўмаклашиш ташкил этилди. Қобилиятни дастлабки икки даражаси спорт танловининг дастлабки босқичларида устиворлик аҳамиятига эга бўлса, учинчиси эса навбатдаги барча яъни маълум спорт туридаги машғулотларни танлашда аҳамиятлироқдир. Бу даража спорт фаолиятини натижалари билан тавсифлансада, ҳатто маҳсус бўлса ҳам барча спорт турлари учун умумий тафсифга эгадир.

Спортда қобилият ва талант муаммосини кўриб чиқиш, биринчи навбатда буюк спортчилардан ҳали бирортаси ҳам ўзининг энг яхши натижасига бошидан охиригача мустақил шуғулланиб эришишган эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Салоҳиятни аниқлаш ва уни тўғри қўллашга мутахассислар ҳамда мураббийлар ёрдам берадилар. Марзкур жараён (саралов ва йўналтириш) қанчалик аниқ, тез юз берса спорт ютуқлари ва уларни турғунлигини белгиловчи характеристикалар шунчалик юқори бўлади. Спортга яроқлигини аниқлаш қўп босқичлик кўп йиллик жараён, у спорт таёргарлигининг барча босқичларини ўз ичига қамраб олади. У маълум спорт турида муваффақиятли такомиллашишини таъминлаш учун, спортчининг қобилиятини ҳар томонлама ўрганиш, ушбу қобилиятларни шакилланиши учун зарур замин яратишга асосланган. Унинг кўпгина назарий ва услубий жиҳатлари етарли даражада очиб берилган.

Лекин афсуски, муаммонинг бир қатор қоидалари ишлаб чиқилгалигига қарамасдан, ҳалигача болаларни спортга яроқлилигини аниқлашнинг назарий ва спорт машғулоти услубиятининг бир бутун тизими мавжуд эмас. Одатда болалар у ёки бу тўгаракка тасодифан келадилар: дўйслари билан, отоналарининг ҳоҳишига кўра. Энг яхши ҳолатда, мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси спортнинг бирор тури билан шуғулланишни маслаҳат беради ёки яқин жойлашган БЎСМдан мактаб беллашувига мураббий келиб (кўп ҳолларда ўз ихтиёри билан) иқтидорли болани кўриш мумкин. Натижада, болаларнинг кўпчилиги “ўзиники бўлмаган” спорт тури билан шуғулланадилар, йиллар сарфлайдилар, лекин қимматли натижага эришмайдилар ва спортдан кўнгли

қолиб чиқиб кетадилар. Эҳтимол, улар спортнинг бошқа бир турида муваффакиятга эришишлари мумкин эди. Спортга лаёқатли болаларнинг анчаси эса умуман спортга келмайдилар: улар бунга йўналтирилмаганлар ва ўз қобилиятлари ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.

Охирги йилларда айрим спорт турларини халқарор спорт майдонлардаги муваффакиятсизликларининг негизида, болаларнеинг яроқлилигини аниқлаш тизими яхши тамиланмаганлиги ётади. Шу билан биргаликда бугунги кунда, спорт фанининг, жуда катта молиявий харажатларсиз бундай тизим яратишга замин бор.

Муаммонинг кўп жиҳатларини назарий асослари ишлаб чиқилгани билан бир қаторда, компьютер технологияларининг ривожланганлиги муҳим замин яратади. Компьютерларни болаларнинг имкониятлари ва уларнинг ривожланишини кузатиш тўғрисида ахборотлар банкини яратиш учун қўллаш, яни маниторинг ташкил қилиш, болаларнинг спортга яроқлилигин аниқлаш диагностикасини муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Спорт физиологияси. Азимов. И. Собитов. Ш. – Тошкент. 1993 й
2. Физиология двигательной деятельности. Смирнов. В. М. Дубровский. В.И. – М. “Владос прес”. 2002 г.